

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ**

КАМОЛОВ ТУРСУНБОЙ ОЧИЛОВИЧ

**АНГРЕН ВА ЯНГИ АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ
КОМПОЗИЦИОН ЧИКИНДИЛАРИНИ ФИЗИК-КИМЕВИЙ ХОСЛИГИ
ВА КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Радиоактив камеб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКАФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Камолов Турсунбой Очилович

Ангрен ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг композицион
чиқиндиларини физик-кимёвий хослиги ва комплекс қайта ишлаш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Камолов Турсунбой Очилович

Физико-химические особенности композиционных отходов
Ангренской и Ново-Ангренской теплоэлектростанции и разработка
технологии комплексной переработки 28

Kamolov Tursunboy Ochilovich

Physical and chemical features of the composite waste of the Angren and
Novo-Angren heat power station and the development of an integrated
technology for processing..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

КАМОЛОВ ТУРСУНБОЙ ОЧИЛОВИЧ

**АНГРЕН ВА ЯНГИ АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ
КОМПОЗИЦИОН ЧИКИНДИЛАРИНИ ФИЗИК-КИМЕВИЙ ХОСЛИГИ
ВА КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc./Т397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.gurft.uz ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Шарипов Хасан Турабович
кимё фанлари доктори, профессор

Борбат Владимир Фёдорович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубов Махмуджон Махамаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА академиги

Хасанов Абдурашид Солиевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тарққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSC.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «11» февраль соат 10⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73, 246-02-24, E-mail: [fan va taraqqiyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyot@mail.ru), «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№3-21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» январь куни тарқатилди.
(2021 йил «7» январдаги 3-21 рақамли реестр баённомаси)

С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор,
ЎЗР ФА академиги

М.Э. Икромов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н.

Н.Х. Галипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., к.и.х.

Кириш (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда иссиқлик электр станцияларининг (ИЭС) техноген композицион кул чиқиндиларини қайта ишлаш натижасида нодир, ер элементлари ва қимматли металлларни ажратиб олиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Маълумки, техноген чиқиндилар йиғилиши жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан биридир. Кўмир ёнилғисидан ишловчи ИЭСларда қаттиқ ёнилғидан фойдаланиш катта ҳажмдаги композицион кул чиқиндилари (ККЧ) ҳосил бўлиши экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада кул-шлак чиқиндиларини қайта ишлаш асосида нодир, ер элементлари ва қимматли металлларни ажратиб олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё миқёсида чиқиндилардан бир қатор уникал хусусиятли ва турли саноат соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган экоминерал маҳсулотларни олиш имконини берувчи кул чиқиндиларини бойитишнинг тежамкор усулларини яратиш мақсадида кислотали ишқорлашда темир ва алюминий каби макрокомпонентлар билан бир қаторда камёб – ер металлларининг эритмага ўтишини исботлаш, камёб металлларни катионитларда сорбциялаш кинетикасини ўрганиш, зарарли компонентларни, шунингдек, уларни ажратиб олиш технологиясини яратиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўмир кул чангида углерод миқдорини камайтириш имконини берувчи электростатик сепарация технологиясини ишлаб чиқиш, чиқиндиларни радиактив элементлардан тозалаш, металлургия ва қурилиш соҳалари учун иккиламчи хомашё базаларини яратиш долзарб ва зарурдир.

Республикада ИЭС техноген чиқиндиларини қайта ишлашга қаратилган илмий изланишларга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасида корхоналар жойлашган ҳудудларнинг экологик шароитини яхшилашга ва рудали ҳамда техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлашни таъминловчи табиий ресурслардан фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларини таъминлаш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш...»¹ га доир муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, танқис хомашёларни композицион кул чиқиндилари билан алмаштириш, камёб-ер, камёб ва нодир металллар ишлаб чиқариш жараёнларига ярим маҳсулотлар тайёрлаш имкониятини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021-йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларининг шарҳи². Металлургия ва энергетика соҳалари техноген чиқиндиларининг илмий асослари тадқиқотига ва комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи институтлари, илмий марказларида олиб борилмоқда, жумладан, University of Kioto (Япония), Cardiff Metropolitan University (Буюк Британия), М.В.Ломоносов номидаги МДУда (Россия), «МПҚИ» Миллий тадқиқотлар ва технологиялар университетида (Россия), Санкт-Петербург давлат политехника университетида (Россия), Томск давлат университетида (Россия), Омск давлат техника университетида (Россия), Достоевский номидаги Омск давлат университетида (Россия), Сибир федерал университети Ю.А.Косыгин номидаги Тектоника ва геофизика институтида УШБ РФА (Россия), О.А.Байконуров номидаги Тоғ-металлургия институтида (Қозоғистон), Қозон давлат энергетика университетида (Россия), Украина давлат кимёвий технология университетида (Украина), Минерал ресурслар институтида, ЎзР ФА Геология ва геофизика институтида, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида, И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон).

Жаҳонда композицион кул чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларда бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: ноёб металларни ва ванадийни учувчи кўмир кулидан ажратиб олишнинг гидрометаллургик усули яратилган (University of Kioto); уран, торий, иттрий ва ноёб ер элементларини кондицион бўлмаган хомашёдан ажратиб олиш тезлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган (Cardiff Metropolitan University); энергетика кўмирлари ёниши кул чангидан галлийни ажратиб олишнинг кислотали экстракциялаш технологияси ишлаб чиқилган (О.А.Байконуров номидаги Тоғ-металлургия институти); кул чиқиндилари

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:
<http://www.natlib.uz/ru>; <http://earthpapers.net>;
<http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>;
<http://geologinfo.ru>; <https://www.niuiif.ru> ва бошқа манбалар.

наъмуналарини бойитиш ва чанг кўринишидаги нодир металллар зарраларини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (Ю.А.Косыгин номидаги Тектоника ва геофизика институти УШБ РФА); ноёб ва рангли металлларни кейинчалик ажратиб олиш учун ИЭС кул чангини бойитиш усули ишлаб чиқилган (Достоевский номидаги Омск давлат университети); қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда кул ва кул чиқиндиларидан фойдаланиш аниқланган (Санкт-Петербург давлат политехника университети); кул чиқиндиларнинг атроф муҳитга таъсири омиллари аниқланган ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган («Узоқшарқ федераль университети»); sanoat кул чиқиндиларининг нурланиш кўрсаткичлари аниқланган (Забайкаль давлат университети); атроф-муҳитдаги антропоген таъсирни камайтириш учун иккиламчи ресурслар сифатида кул чиқиндилардан фойдаланиш имконияти аниқланган (Томск политехника университети).

Дунёда ИЭС композицион кул чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш бўйича жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: композицион кул чиқиндиларининг технологик минералогиясининг таркибий қисми бўлган қимматбаҳо компонентлар жойлашувининг минералогик шакллари ва комплекс таркибини аниқлаш; мураккаб бирикмаларнинг термодинамик қиймати бўйича ўзгаришини асослаш; композицион кул чиқинди, кул чанги, микросфера ва «ёнмаган кўмир»ларнинг бир-биридан фарқини аниқлаш; кислотали ишқорлашда темир ва алюминий каби макрокомпонентлар билан бир қаторда камёб – ер металлларининг эритмага ўтишини исботлаш; камёб металлларни катионитларда сорбциялаш кинетикасини ўрганиш; зарарли компонентларни, шунингдек, қимматбаҳо, ноёб ва ноёб-ер элементларини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида камёб металллар бўлган композицион техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлашнинг илмий тадқиқотлари бўйича қуйидаги олимлар: Шпирт М.Я., Berry E.E., Sandhu S.S., Michalikova F., Tsuboi Izumi, Anshits A.G., Berry E.E., Hemmings R.T., Golden D.M., Monjoie A., Rondia D., Борбат В.Ф., Адеева Л.Н., Михайлов Ю.Л. Абишева З.С., Маликова О.И., Хлопицкий А.А, Салихов В.А., Хаглеев Е.П., Шамсутдинова Э.В. Шарипов Х.Т., Искандарова М.И., Шукуров Н.Э., Туресебеков А.Х. Алимов Р.С., Юсупходжаев А.М. каби олимлар соҳани ривожлантиришда салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Адабиётлар тахлилига кўра, ҳозирги кунга қадар ИЭС ККЧларида макро-ва микротаркиблари, ноёб, ноёб-ер металлари ва актиноидларнинг жойлашиш шакллари, компонентларнинг солиштирма оғирлиги фарқидан фойдаланган ҳолда макрокомпонентларини ажратиш ва бойитиш усули, ноёб-ер элементларини турли сорбентларда жамлаш усулини яратиш ва уларни алоҳида ажратиб олишнинг оптимал шароитларини такомиллаштириш ва комплекс қайта ишлаш технологик тизимини ишлаб чиқиш муаммоси мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан микросфера, кул чанги, кул ва ёнмаган кўмирларни алоҳида қайта ишлаш жараёнлари бўйича олиб

борилган илмий изланишлар мамлакатимиз саноати учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК илмий-тадқиқот ишлари режаларининг № ИТД 7-056 «Ангрен ИЭС чиқиндиларидаги токсик металлларни атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш мақсадида уларнинг жойлашиш шакллари аниқлаш» (2009-2011йй.) ва № ПЗ-202005142 «Ангрен ва Янги Ангрен ИЭС кул-шлак чиқиндиларини қайта ишлаш асосида нодир, ер элементлари ва қимматли металлларни ажратиш олишнинг комплекс технологиясини яратиш» мавзуларидаги лойиҳалари асосида бажарилган (2020-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ангрен ва Янги Ангрен ИЭС композицион чиқиндиларини физик-кимёвий хослиги ва комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дифрактометрик таҳлил, энергодисперсия ва ИСП-спектроскопия усуллари ёрдамида кимёвий ва минерологик таҳлилнинг юқори ахборот инструментларидан фойдаланиш билан композицион кул чиқинди «техноген хомашё»сининг кимёвий ва минерологик таркибини комплекс тадқиқотини ўтказиш;

макрокомпонентларнинг солиштирма оғирлиги фарқи бўйича макрокомпонентларни – кремний, алюминий ва темир оксидларини – ажратиш орқали макротаркибни – кремний, алюминий ва темирни – утилизация қилиш;

юқори дисперсияли кремний икки оксидини ва алюминий сульфатини олиш технологиясини яратиш;

кўмир ёқиш жараёнида микроэлементларнинг фазавий ўзгаришларини ва уларнинг кулдаги шакллари термодинамик равишда прогностлаш;

композицион кул чиқинди (ККЧ) таркибда макрокомпонентларнинг миқдорини аниқлаш ҳамда уларни жамлаш ва ажратиш усулини ишлаб чиқиш;

макро- ва макрокомпонентларни ажратиш билан ККЧ ни қайта ишлаш комплекс технологиясини яратиш;

ноёб ва ноёб ер металлари сорбция жараёнини тадқиқ қилиш ва селектив сорбентларини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭСлари композицион кул чиқиндилари (ККЧ), кул чанги, микросфера ва «ёнмаган кўмир»лардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ишлаб чиқаришга техноген ККЧни жалб қилиш ва қўшилган қиймати юқорироқ махсулот олиш ҳисобига Ўзбекистон минерал-хомашё ресурсларини тўлдириш истиқболини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий, ИҚ-Фурье (ИК) спектроскопия, элементли, рентгенфазавий (РФТ), дифференциал-термик (ДТТ) таҳлиллар, индуктив боғланган плазмала масс-спектроскопия (ICP-MS), атом-абсорбциявий спектроскопия (ААС),

энергия-дисперсияли сканерловчи электрон микроскопия (SEM-EDX) таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асосини плагиоклаз, волластанит, когенит, кварц, ойнаватали масса (аллофан), кристаллсизлангилган кварц, темир силицити, магнетит, алюминий силикати ташкил этувчи ўзгарувчан таркибли гетероген тизимдаги ёқилғи шлақларининг техноминерологик тизими тузилган;

Ангрен ва Янги-Ангрен композицион кул чиқиндиларининг (ККЧ) асосий компонентларининг фракциялари, кимёвий таркиблари ва минералогик ўзига ҳослиги аниқланган ва бунга кўра композицион кул чиқинди, кул чанги, микросфера ва «ёнмаган кўмир»ларнинг бир-биридан фарқ қилиши ва уларни технологик-минерологик тамойил асосида дифференциялаш аниқланган;

фторид кислота билан макро- ва микрокомпонентларнинг ўзаро таъсири термодинамик баҳоланган, шунингдек, Гиббс энергияси (ΔG) қиймати бўйича эрувчан комплекслар $[\text{FeF}_6]^{3-}$ нинг ўз-ўзидан шаклланиши, муллит минералида алюминийнинг эрувчин комплекс $[\text{AlF}_6]^{3-}$ ва H_2SiF_6 нинг ҳосил бўлиши ҳамда (ΔG) қиймати бўйича микрокомпонентларнинг эрмайдиган фторидлар ҳосил бўлиши аниқланган;

сульфат кислотали ишқорлашда темир ва алюминий каби макрокомпонентлар билан бир қаторда церий ҳам эритмага ўтиши ва қаттиқ фаза компонентлари учун жараён биринчи тартибли реакцияда юз бериши, шунингдек, унинг тезлиги ҳарорат ошиши билан ортиши аниқланган;

камёб-ер металлари сульфат кислотали муҳитда ажратиб олиш ва турли «Пьюролайт» катионитларида сорбциялаш кинетикаси асосланиб, изотермалар асосида уларни ажратишнинг оптимал шароитлари аниқланган ва сорбция механизми яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

псевдосуялтиришли сепарациянинг рудалари, концентратлари ва компонентларининг солиштирма оғирлик фарқидан фойдаланилган ҳолда ККЧ макрокомпонентларни бойитиш ва ажратиш усули ишлаб чиқилган;

аммоний фторидини қўллаган ҳолда ва Fe_2O_3 , Al_2O_3 , оқ сажа ва ноёб-ер элементлари концентратларини олиш билан бир қаторда макрокомпонентларни – алюминий, темир ва кремний – ажратиб олишнинг бирлаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

ноёб-ер элементларини турли «Пьюролайт» катионитларида жамлашнинг сорбция усули яратилган ва уларни ажратиб олишнинг оптимал шароитлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий компьютер ва дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда бошланғич хомашё ва технологик қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий ва минерологик таркибларини аниқлаш учун муаллиф томонидан замонавий физик-кимёвий усулларни қўллаб, бир қанча лаборатория ва саноат тажрибаларидан олинган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакат иқтисодиётида муҳим бўлган,

Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭСлари қаттиқ ёнилғисининг ёниш маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясининг янги дифференцияланган технологик-минерологик асосини ташкил этувчи маҳсулотларнинг кимёвий ва минерологик таркибини олишнинг илмий асосларини назарий жиҳатидан умумлаштириш ва ривожлантириш асосида яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аммоний фториди ва сульфат кислотасини қўллаш билан макро- ва микрокомпонентларнинг ўзаро ажратилиши ҳамда нодир-ер элементлари ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ангрен ва Янги-Ангрен иссиқлик электр станциялари композицион чиқиндиларини физик-кимёвий хослиги ва комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган марказдан қочма кучлар ёки қайновчи қатлам асосида циклонларда рудалар, концентратлар ва қоришмалар компонентларининг солиштирма оғирлиги фарқидан фойдаланган ҳолда КҚЧ макрокомпонентларини ажратишнинг бирлашган технологияси «Ангрен ИЭС» АЖ амалиётига жорий этилган («Ангрен ИЭС» АЖнинг 2020 йил 9 декабрдаги 01/1446 АФ-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур технология макрокомпонентларни ажратиб олиш имконини берган;

«Пьюролайт» катионитларида ИЭС композицион кул чиқиндиларининг микрокомпонентларини сорбцион ажратиб олиш технологияси (камёб ва камёб-ер металлларни: галлий, церий, лантан, скандий ва ванадийни ажратиб олиш, ишқорлаш самарадорлигини ошириш) «Олмалиқ КМК» АЖ қошидаги мис эритиш заводининг камёб металлларни олиш цехида жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020 йил 29 декабрдаги 63-500-сон маълумотномаси). Натижада, камёб ва камёб-ер металлларни: галлий, церий, лантан, скандий ва ванадийларни ажратиб олиш, ишқорлаш самарадорлигини ошириш имкони берган;

турли «Пьюролайт» катионитларида камёб-ер металлларини сорбция усулида жамлаш ва уларни ажратиб олишнинг оптимал шароитлари «Олмалиқ КМК» АЖ қошидаги мис эритиш заводининг камёб металлларни олиш цехида жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020 йил 29 декабрдаги 63-500-сон маълумотномаси). Натижада, «Пьюролайт S-930» сорбентида галлийни сорбциялаш самарадорлиги 92 % ни ташкил этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 32 та анжуманларда, хусусан 27 та Республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, жумладан, 10 таси Республика ва 6 таси хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, тўққизта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, зарурлиги, ишнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мувофиқлиги аниқланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли кўмир конларининг ИЭС композицион кулларини чуқур қайта ишлаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобда чет-элда ККЧни қайта ишлаш муаммолари, кўмирларни ёқишда ККЧни шаклланиши ва Ангрен ИЭС худудиди экологик ҳолати таҳлили кўриб чиқилган адабиётлар таҳлили келтирилган. ККЧни утилизация қилиш бўйича тадқиқотлар кўплигига қарамасдан, ҳар бир алоҳида ҳолатда таркиб ва қайта ишлаш усуллари кўмир табиати ва ёниш тартибига боғлиқ. Шу сабабдан ККЧнинг кимёвий ва минерологик таркибини билиш муҳим ҳисобланади.

Кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, ер уст ива ости сувлари, тупроқ ва ўсимликлар кўрғошин, мис, цинк, селен, вольфрам, кобальт, кадмий ва мышьяк каби қаттиқ металллар билан қаттиқ ифлосланган. ККЧларни утилизациясининг паст даражасини белгиловчи ва улардан фойдаланиш даражасини жаҳон даражасига кўтаришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар қаторига ҳозирги вақтда Ангрен ИЭС ККЧсининг таркиби, макро- ва микрокомпонентлари миқдори ҳамда гранулометриқ таркиби ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги киради. Ушбу маълумотлар уларнинг кейинги утилизациясини режалаштириш учун муҳим ҳисобланади. Санаб ўтилган муаммоларни ечиш ИЭС ККЧсини тўпланиб қолишини камайтириш, ИЭС жойлашган худуд экологик ҳолатини яхшилаш, шунингдек ККЧ асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясидан даромад олиш мақсадида уларнинг утилизация даражасини ошириш учун зарур ҳисобланади.


Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларини танлаш ва асослаш ҳамда уларни ўрганиш усуллари**» деб номланганикинчи бобда ушбу ишда қўлланган замонавий юқори ахборотли физик-кимёвий тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар, шунингдек Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭС композицион кул чиқиндиларининг Ангрен-Охонгарон худуди экотизимига таъсири тадқиқоти натижалари келтирилган.

Натижада Охонгарон дарёси бассейни ер усти сувлари ифлосланишини баҳолаш ўтказилган. Тошканал дюкерлари пастроғида Охонгарон дарёсининг ўрта оқимида Охонгарон дарёси энг кўп металл ионлари билан ифлосланган.

Ифлосланиш манбаи яқинида тўпланган наъмуналардаги кўпгина металллар (Cu, Zn, Ba, Pb, Th и U) концентрацияси, Охонгарон дарёсида топилган оғир металлларнинг ўртастатистик концентрацияси, манба яқинлигига боғлиқ. Zn, Pb, Ba, U и Th концентрацияси кларклардаги концентрациядан 3-5 марта юқори бўлган: ўртача 1,136, 2,430, 373, 12, ва 29 мг/кг қийматлари билан мос равишда. ИЭС яқинидаги тупроқнинг тепа қатламларида цинк Zn (1,136 мг/кг гача) ва қўрғошин Pb (373 мг/кг гача) нинг энг юқори таркиби аниқланан. Айрим металллар (V, Cr, Co, Ni) ифлосланиш манбааси яқинида концентрацияси камайишинингтескари тенденциясини кўрсатди. Тупроқ электр ўтказувчанлиги 0.40.5 мС/г, и 0.33 мС/г қийматлар билан ифлосланиш манбааси яқинидаги наъмуналар учун энг юқори даражасига етади.

Диссертациянинг «**Бошланғич кўнғир кўмир ҳамда Ангрэн ва Янги-Ангрэн ИЭСлари кўмир ёниш махсулотларининг физик-кимёвий тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида композицион кул компонентларининг сифат ва миқдор таркиби кўмир конига боғлиқлиги аниқланган. Макрокомпонентлар учун компонентлар таркибини доимий деб ҳисоблаш мумкин, лекин микрокомпонентлар учун эса у бир пласт ичида ҳам доимий эмаслиги кўрсатилган. Композицион кулнинг кимёвий ҳоссалари, шунингдек уларнинг кўмирни ёниш жараёнида жамланиши уларнинг фазавий таркибига, шунингдек кўмир ёниш тартиблари ҳарорати ва бирикмалар шаклланувчи газ атмосфераси таркибига боғлиқлиги аниқланган.

Композицион кулнинг электрон-микроскопик тадқиқоти нуқтали электрон микроскоп (SEM) дан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Олинган маълумотлар расмларда ифодаланган (1-расм).



1-расм. Ангрэн ва Янги-Ангрэн ИЭС ККЧ таҳлилий микрофотограммаси

Кимёвий, микрорентгеноспектрал (микрзонд), рентгенфаза ва электрон-микроскопик таҳлилларни қўллаган ҳолда композицион кул ва шлаклар моддавий таркибини ўрганиш маълумотлари шуни кўрсатдики, кимёвий ва моддавий таркибига кўра композицион куллар ва шлаклар кислотали SiO_2 ва CaO , Fe камроқ MgO , шунингдек нейтрал Al_2O_3 асосий компонентлари бўлган ўзгарувчан таркибли гетероген тизимни ташкил этишади. Композицион кул ва шлакларнинг кимёвий таҳлили маълумотларига кўра уларнинг кислота асосли тавсифи ҳисоблаб чиқилди. Қайта ҳисобланган маълумотларга кўра кул ва шлаклар кислоталиларга мансублиги аниқланди.

Композицион кул ва шлакларнинг минерал асослари қуйидагилар ҳисобланади: плагиоклаз, волластанит, когенит, кварц, ойнасимон масса (аллофан), кристаллсизлаштирилган кварц, темир силицити, магнетит, алюминий силикати ва ҳ.к. Мазкур ишда чиқиндилар морфологиясидаги фарк сабабли биз томонимиздан наъмуналарнинг – композицион кул, кул чанги ва микросфераларнинг – дифференцияланган таҳлили ўтказилган.

1-жадвалда композицион кул чиқиндининг дифференцияланган кимёвий таркиби келтирилган.

1-жадвал

ИЭС-4 ва Янги-Ангрен ИЭС композицион куллари макроэлементларининг кимёвий таркиби. оғир., % (рентгенофлюоресцент таҳлил маълумотлари)

Элемент	Экибастуз4-ИЭС	Янги-Ангрен ИЭС			
		Кул чанги	Микросфера	Кул 1	Кул 2
SiO ₂	59,9	23,12	41,47	37,58	46,46
Si		10,81	19,38	17,56	21,72
Al ₂ O ₃	29,8	5,086	24,37	19,16	23,70
Al		2,692	10,90	10,14	12,54
Fe ₂ O ₃	5,7	29,88	2,480	2,404	2,736
Fe		14,89	1,734	1,682	1,914
Жами:	95,4	86,4	100,334	88,526	109,07

2-жадвалда микроэлементлар таркиблари келтирилган. Микрокомпонентлар мавжудлиги саноат учун муҳим бўлган камёб, камёбер ва нодир, шунингдек радиоактив металллардан иборат.

2-жадвал

ИЭС-4 ва Янги-Ангрен ИЭС композицион куллари микроэлемент таркиби, оғир., % (рентгенофлюоресцент таҳлил маълумотлари)

Элемент	Экибастуз 4-ИЭС	Янги-Ангрен ИЭС			
		Кул чанги	Микросфера	Кул 1	Кул 2
Sc	0,0011	0,00052	0,00140**	0,00062	0,00068
Y	0,0040	0,00238	0,00371	0,0044**	0,00314
La	0,0014	0,00238	0,00371**	0,0044	0,00351
Ce	0,0066	0,00142	0,00763**	0,00748 **	0,00760
Yb	0,0006	0,00020	0,00020	0,00020	0,00020
Nd	-	0,00213**	0,0004	0,0004	0,00004
Tb	0,0008	-	-	-	-
Dy	0,0009	-	-	-	-
Sm	0,0005	0,00373**	0,00213**	0,00199**	0,00227**
Th	0,0006	0,00215**	0,00243**	0,00243**	0,00261**
U	0,0002	0,00004	0,00181**	0,00171**	0,00167**
Zr	0,034	0,00761	0,02631	0,01816	0,01980
Cu	0,0056	0,0056	0,4930**	0,00710	0,00564
Ga	0,14	0,00037	0,00202	0,00336	0,00391
V	0,0044	0,00586	0,01324**	0,00742**	0,00860**
Жами:		0,0344	0,557	0,0597	0,0597
Au (г/т)		0,352	0,199	2,61**	0,213
Ag (г/т)		1,04**	0,830**	0,273	0,722

**таққослаш учун маълумотлар **элементларнинг юқори миқдори*


2-жадвал шуни кўрсатадики, композицион кул чанги пробасида темирнинг миқдори бошқа наъмуналардаги миқдорлардан бир қанча юқори.

Бундан ташқари энергодисперсияли спектроскопияси ёрдамида наъмуналарни тадқиқот қилинди (3-4-жадв. ва 2-3-расм).


3-жадвал

64 локал хуудида КЕЭ оғирлик микдори


Элемент	Оғир., %	Элемент	Оғир., %
O	25.88	Ca	0.52
Si	0.85	Sc	0.05
P	13.36	La	14.84
Pr	0.77	Th	7.60
Nd	8.99	Ce	27.15
Ca	0.52		
Жами:	100.00		



2-расм. 64 локал хуудиди 3 наъмунасининг ЭД спектри



3-расм. 112 ва 109 локал хуудиди 3 наъмунасининг ЭД спектри



4-жадвал

64 локал хуудида макрокомпонентларнинг оғирлик микдори

Элемент	Оғирлик,%
O	6.44
Fe	2.88
Au	90.69
Жами:	100.00

Элемент	Оғир.,%	Элемент	Оғир.,%
F	13.17	S	0.84
Na	1.05	Cr	3.01
Al	1.95	Fe	2.35
Si	0.74	Ag	76.90
Жами:	100.00		

3-4-жадвал ва 2-3-расмлардан кўринадикки, КЕМ ва актиноидлар, олтин ҳамда кумуш 3 наъмунада жамланади.

Ушбу шароитдан келиб чиқган ҳолда биз томонимиздан макрокомпонентларни – темир, кремний ва алюминий – псевдосулфидлар катламда уларнинг солиштирма оғирликлари фарқи (кг/см^3 - Fe_2O_3 -5,2; Al_2O_3 -2,8; SiO_2 - 2,6 (5-жадв.)) бўйича пневмосепарация орқали ажратиш амалга оширилди.

5-жадвал

Ажратиб олингандан кейинги композицион кул элементлари солиштирма баланси

Элемент	Оғир. %	Элемент	Оғир. %	Элемент	Оғир. %
1-цикл наъмунаси		2-цикл наъмунаси		3-цикл наъмунаси	
O	49.31	O	48.71	O	56.02
Al	10.04	Mg	0.41	Al	17.09
Si	23.61	Al	13.09	Si	21.89
S	0.62	Si	19.73	K	1.14
K	4.84	S	0.40	Ca	1.88
Ca	2.56	K	5.99	Ti	0.41
Fe	7.11	Ca	5.50	Fe	0.88
		Fe	5.70		
Жами: 100.00		Жами: 100.00		Жами: 100.00	


Диссертациянинг «ИЭС композицион кул чиқиндиларини қайта ишлаш жараёнларининг физик-кимёвий асослари» деб номланган тўртинчи бобида кўмир ёниш жараёнида микроэлементлар фазавий ўзгаришларининг термодинамик прогнозлаштириш бўйича ва уларнинг композицион кулда жойлашиш шакли бўйича маълумотар келтирилган. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар гидрокимёвий ажратиб олиш асоси бўлган энг эъхтимолий оксидланиш даражасини аниқлаш имконини беради, шунингдек кўмир ёниш махсулотларида микроэлементлар тақсимланишини прогнозлаштиришга имкон беради.

Ҳисоб-китоблар натижасига кўра барча микроэлементларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга кўпроқ газ фазага ўтувчи бирикмалар (ванадий ва галлий) мансуб. Бу шлакни учувчи композицион кулга нисбатан бирлашишиги олиб келади, шунингдек минимал ўлчамдаги композицион кул зарраларида уларнинг жамланишини кутишга имкон беради. Иккинчи гуруҳни кўмир ёниш ҳарорат тартибларида газсимон бирикмаларни деярли умуман шакллантирмайдиган микроэлементлар ташкил этади. Ушбу микроэлементларни композицион кул ва композицион кул чанги ўртасида тенг тақсимланишини, шунингдек маълум ўлчамдаги композицион кул зарраларида эканлигини кутиш мумкин. Плавик кислотаси билан ўзаро таъсирида макрокомпонентларнинг – оксидов Fe, Al, Si – ўзини тутиши ўрганилди.

Мураккаб бирикмаларни шакллантиришга юқори даражада мойиллиги мавжудлиги учун темир оксиди HF эритмаларида яхши эриш хусусиятига эга. Сувли ускунада буғлатиш жараёнида темир фториди (III) оксид эритмасидан ажратиб олинади. Ишқорли металллар ёки аммоний таркибли эритмалардан $M_2[FeF_5]$ турдаги, шунингдек кам миқдорда $M_3[FeF_6]$ ва $M[FeF_4]$ турдаги иккилик ёки мураккаб тузлар кристаллашади. Концентрланган HF эритмаларида темир кўпроқ мураккаб анион $[FeF_6]^{3-}$ кўринишида жойлашган. HF да алюминий оксиди F⁻ иони билан турли комплекслар шакллантириб эрийди. AlX_3 алюминий тузлари эритмаларида аквакатионлар мавжудлиги учун, ион гидратациясининг тузилма-термодинамик томонларини ҳисобга олиш лозим. Композицион кулда кремний оксиди кўпроқ муллит, шунингдек альфа кварц шаклида жойлашган. Эриш тезлиги тадқиқоти шуни кўрсатдики турли модификациялар кўринишидаги микрон ўлчамидаги

зарралар турли тезликларда эрийди, лекин HF эритмаси концентрацияси 1 М га кўтарилганда фарқ ахамият касб этмайди.

Агар темирни енг юқори солиштирма оғирлик қиймати бўйича 80% ни ажратиб олиш мумкин бўлса, композицион кулдага миқдори 23,61 ва 10,04% бўлган қолган икки макрокомпонентларнинг – кремний ва алюминий – солиштирма оғирликлари яқин бўлганлиги сабабли, ҳусусан 2,6 ва 2,8 кг/см³ мос равишда, темирни солиштирма оғирликлар фарқи бўйича ажратиб олиш мумкин эмас. Лекин темир ажратиб олингандан сўнг гидрометаллургик усулда ажаратиб олиш мумкин. Кейинги гидролиз билан NH₄F эритмаси орқали юқори дисперсияли кремний икки оксидини ажратиб олиш принципаал имконияти кўрсатилган. SiF₄ ни CaF₂ ва H₂SO₄ аралашмаларига ишлов бериш билан биринчи модданинг 1,5 баробар ортиқчалигида, иккинчи модданинг 3 баробарлик ортиқчалигида, ишлов бериш вақти 60 дақиқа ва 25 °С ҳароратда ажратиб олиш амалга оширилди. Олинган тетрафторсилан аммоний фториди эритмаси билан абсорбацияга юборилади. Аммоний фториди билан тетрафторсилана абсорбциясини қуйидаги реакциялар билан ифодалаш мумкин:






Абсорбция жараёнида шаклланган аммоний кремний фториди стехиометрик жиҳатдан зарур бўлганидан 150% миқдорда 23-25% ли аммиак билан ишлов беришган. Аммоний кремний фториди гидролизини қуйидаги реакция билан ифодалаш мумкин:




Композицион кулни $\tau=60$ минут, $t=25^\circ\text{C}$, H₂SO₄ нинг 3 баробар ортиқчалиги, CaF₂ нинг 1,5 баробар ортиқчалиги шароитида гидроишқорлаш орқали ажратиб олинган силикат эритмасидан кремний икки оксидини ажратиб олиш 50% ни ташкил этади.

50 % чиқишбилан, тўғридан-тўғри композицион кулдан $\tau=40$ минут, $t=250^\circ\text{C}$, H₂SO₄нинг 3 баробар ортиқчалиги, CaF₂нинг 1,5 баробар ортиқчалиги шароитида худди шундай натижа олинган.

Аммоний фторидидан фойдаланган ҳолда фторидли ишлов бериш орқали алюминий сульфатини эритмага ажратиб олиш бўйича маълумотлар келтирилган. Фторидли ишлов беришда қуйидаги реакциялар боради:



Реакция муҳитини давомли иситишда қуйидаги реакциялар боради:




6-жадвалда алюминий сульфатини ажратиб олишнинг аммоний фториди ортиқчалигига, ишлов бериш ҳарорати ва вақтига боғлиқлиги кўрсатилган.

Алюминий сульфатини ажратиб олишнинг аммоний фториди ортикчалигига боғлиқлиги

NH₄F: композицион кул	0,8	1	1,2	1,4
$\alpha(\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3)$, %	47,6 ± 2,4	63,4 ± 3,2	64,2 ± 3,2	52,5 ± 2,6

Олинган маълумотлар асосида алюминий сульфатини ажратиб олишнинг аммоний фториди ортикчалигига боғлиқлиги графиги яратилган.

4-расм шуни кўрсатадики, аммоний фторидининг бир оз ортикчалигида аммоний сульфатини эритмага максимал ажратиш даражасига эришилади.



4-расм. Алюминий сульфатини ажратиб олишнинг аммоний фториди ортикчалигига боғлиқлиги

Диссертациянинг «Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭС кўмир ёнишининг кул чангини гидрокимёвий қайта ишлаш» деб номланган бешинчи бобида Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭС кўмир ёниши кул чиқиндисини гидрокимёвий қайта ишлаш натижаси келтирилган. Гидрокимёвий қайта ишлаш икки усулда – кислотали ва ишқорли ишлов бериш – амалга оширилди. Композицион кул компонентларининг кислотали ва ишқорли муҳитларда ишқорланишини солиштириш мақсадида гидрокимёвий ишлов бериш 2 соат давомида юқори ҳароратда ўтказилган. Олинган

натижалар (7-жадв.) шуни кўрсатадики, композицион кулнинг барча компонентларидан фақатгина церий, уран ва торий кислотада ажратиб олишнинг юқори даражасига эга (80% дан юқори). Бу Ga₂O₃ – SiO₂ тизими учун 1560±10°C ҳароратгача кристобалит ва β- Ga₂O₃ аралашмаси шаклланиши билан изоҳланади.

Композицион кулга кимлотали ва ишқорли ишлов бериш натижаларини таққослама таҳлили

Тажриба шароити	α_{Si}, %	α_{Al}, %	α_{Fe}, %	α_{Ga}, %	$\alpha_{\text{Ce}}, \alpha_{\text{U}}, \alpha_{\text{Th}}$ %	α_{V}, %
C _к =200 г/л, τ = 2,0 с, t = 85 °С, К:С=1:5	–	1,5	8,4	16,3	82	6,0
C _и =200 г/л, τ = 2,0 с, t = 80 °С, К:С = 1:5,	49,4	5,5	0,52	56,3	–	5,7

810±10°C дан юқори ҳароратларда Ga₂O₃ – Al₂O₃ тизимида α- Al₂O₃ тузилмали каттиқ эритмалар корунд қатори шаклланади. Пастроқ ҳароратларда GaAlO₃ бирикмаси шаклланади. Ушбу факт галлийни ажратиб олиш даражаси пастлигини изоҳлайди.

Композицион кул чангининг макро- ва микрокомпонентларини ишқорли ажратиб олиш шуни кўрсатадики, хона ҳароратида макрокомпонентларни ажратиб олиш даражаси 0,5% дан ошмайди, шу сабабли композицион кулни кимёвий жиҳатдан пассив деб ҳисоблаш мумкин. Юқори ҳароратда макро- ва

микрокомпонентларнинг реакциявий хусусиятлари ортади. Энг юқори реакциявий хусусиятни юқори ҳароратда кремний ($\alpha = 49,4\%$) ва галлий ($\alpha = 56,3\%$) кўрсатди. Темир ушбу шароитларда деярли умуман эритмага ажратиб олинмайди ($\alpha = 0,52$).

Диссертациянинг «ИЭС композицион кул чиқиндиларидан камёб ва камёб ер элементларини ажратиб олиш» деб номланган олтинчи бобида алюминий ва темир макрокомпонентлари билан церийни сульфат кислотаси ёрдамида комплекс ажратиб олиш кўриб чиқилган. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, асосий кул шакллантирувчи элементларнинг 50 – 300 г/л оралиғидаги сульфат кислотаси концентрациясига боғлиқлиги мавжуд эмас. Галлийни ажратиб олиш жараёнини интенсивлаштириш учун кремнисизлаштирилган композицион кулга янги ишқорлар билан кетма-кет 3 босқичда 1 соатдан ишлов берилган (8-жадв.). Тадқиқот қуйидаги шароитларда ўтказилди: $C_{\text{ишқор}} = 200$ г/л; $T=80^\circ\text{C}$; $К:C=1:5$ (20 г композицион кул ва 100 мл ишқор).

8-жадвал

Ишқор эритмалари билан кўп марта ишлов бериш орқали галлийни ажратиш

Босқич	Ишлов бериш вақти, с	Ажратиб олинган Ga миқдори, мг	Ga, %
I	3	1,25(0,14)	63,5
(кремнийсизлантириш)			
II	1	1,61(0,17)	81,7
III	1	1,85(0,18)	94,1
IV	1	1,93(0,21)	98,2

Кремнийсизлаштирилган кўп мартали ишлов беришда галлийни деярли бутунлай ажратиб олинади (98,2%).

Диссертациянинг «Пьюролайт S-930 ва Пьюролайт S-957 сорбентларида галлийни ион алмашинуви усулида ажратиб олиш» деб номланган еттинчи бобида кислотали ва ишқорли муҳитларда «Пьюролайт S-930» ва «Пьюролайт S-957» сорбентларида ион алмашинуви усулида галлийни ажратиб олиш маълумотлари келтирилган.

9-жадвал


Композицион кулга ишлов беришда галлийни ажратиб олиш

Тажриба шароити: $К:C=1:5$, $m_{\text{кул}} = 50$ г, $V_{\text{эритма}} = 500$ мл				α_{Ga} , %
Реагент	t, °C	T, соат	Эритмада Ga концентрацияси, мг/мл	
H_2SO_4 , $C_{\text{H}_2\text{SO}_4} = 200$ г/л	80	3	0,36	16
HCl , $C_{\text{HCl}} = 200$ г/л	50	1	0,14	6,4
	80	3	0,57	26

Ишқорли эритмалардан фойдаланган ҳолда галлийни ажратиб олиш самарадорлиги юқорида 9-жадвалда келтирилган ва қуйидаги шароитларда 56% ни ташкил этади: $C = 200$ г/л, $t = 2$ соат, $К:C=1:5$.

Ишқорлаш эритмасида галлийнинг концентрацияси 5,1 мг/л ни ташкил этади.


Галлийни сув эритмаларидан ажратиб олиш учун 0,94-1,1 и 8,0 г-экв/л умумий алмашинув сиғимига эга «Пьюролайт S-930» и «Пьюролайт S-957» хелат смолалари тажрибадан ўтказилди.



5-расм. pH=11 шароитида «Пьюролайт S-930» ва «Пьюролайт S-957» сорбентларида Ga сорбциясининг изотермаси

5-расмда «Пьюролайт S-930» ва «Пьюролайт S-957» катионитларида галлийни сорбциялаш изотермаси келтирилган ва улар максимал статик алмашинув сиғимини (СОЕ) ифодаловчи платога чиқувчи қийшиқлардан иборат. S-930 ионити учун СОЕ 88 мг/г ни ташкил этди. S-957 ионитининг максимал статик алмашинув сиғими S-930 ионитиникига қараганда юқорирок ва 105 мг/г ташкил этди. Ионитнинг Пьюролайт S-957 (СОЕ = 104 мг/г) даги эритма билан 6 соатлик контактида ва Пьюролайт S-930 (СОЕ = 88,0 мг/г) даги эритма билан 8 соатлик контактида алмашинув мувозанатига эришилади.


Ионитнинг Пьюролайт S-957 (СОЕ = 104 мг/г) даги эритма билан 6 соатлик контактида ва Пьюролайт S-930 (СОЕ = 88,0 мг/г) даги эритма билан 8 соатлик контактида алмашинув мувозанатига эришилади ва бу Пьюролайт S-930 ионити самарад эканлигини кўрсатади. Сорбция ионит функционал гуруҳлари билан комплекслар яратилиши ҳисобига амалга оширилади (6-расм).



6-расм. «Пьюролайт S-957» ва «Пьюролайт S-930» сорбентларидаги Ga сорбциясининг мумкин бўлган сорбция механизми

Диссертациянинг «ИЭС композицион кул чиқиндиларидан камёб ер металлларини ажратиб олиш» деб номланган саккизинчи бобида лантан мисолида кучли кислотали Purolite C100-H катионитида КЕМ кислотали эритмалардан ажратиб олиш тадқиқоти бўйича маълумаотлар келтирилган. «Purolite C-100H» катионитида Лантан сорбциясининг бошланғич эритма pH га боғлиқлиги шуни кўрсатдики, 2 дан 5 гача pH оралиғида статик алмашинув

сиғими деярли ўзгармайди ва сорбция қиймати ўртача 200 мг/г ни ташкил этади.



7-расм. «Purolite C-100H» катионитида Лантан сорбциясининг мувозанат эритмаси концентрациясига ва бошланғич эритма рН га боғлиқлиги

Мувозанат эритмада лантанининг концентрацияси 0,51 г/л бўлганда «Purolite C-100H» ионитининг максимал статик алмашинув сиғими (СОЕ) эришилади ва у 240 мг/л ни ёки или 5,1 мг×эқв/г ($K_p=120$) ни ташкил этди (7-расм). Скандийни «Пьюролайт S-950» ионитидаги хлорли эритмалардан сорбция қилишнинг бошланғич эритмага боғлиқлиги шуни кўрсатдики, ионит СОЕ муҳитга боғлиқ. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, «Пьюролайт S-950» катионитида скандий сорбцияси изотермасини олиш учун, сорбция рН = 2 шароитда ўтказилди.


10-жадвал

Бошланғич эритма рН га боғлиқ равишда скандий сорбцияси.

$C = 1$ мг/мл, рН= 1-4, $m_{\text{ионита}} = 0,1$ г

рН	$D_{\text{бош}}, C_э$	$C_{\text{бош}}, \text{МГ/МЛ}$	$D_{\text{муv}}, C, \text{ср}$	$C_{\text{муv}}, \text{МГ/МЛ}$	$a, \text{мг/г}$
1	0,20	0,91	0,11	0,5	82± 3
2	0,21	0,96	0,10	0,45	103±3
3	0,20	0,91	0,09	0,41	100±3
4	0,18	0,83	0,08	0,34	98±4

Бошланғич концентрациялари 0 дан 2,6 мг/мл гача ораликдаги хлорид кислотали эритмалардан скандий сорбциясининг изотермасини куриш ўтказилди, эритма рН 2 бирликни ташкил этди. Сорбция 24 соат давомида амалга оширилди. Олинган маълумотларга кўра «Пьюролайт S-950» да скандий сорбциясини ҳисоблаб чиқдик. Маълумотлар 11-жадвал ва 8-расмда келтирилган. «Пьюролайт S-950» катиони-тида скандий сорбциясининг изотер-маси (8-расм) каварик қийшиқ чизикдан иборат. Ионитнинг максимал статик алмашинув сиғими (СОЕ) мувозанат эритмада скандийнинг концентрацияси 1,6 мг/мл га тенглигида эришилади ва у 192 мг/г ташкил этади. Қийшиқ чизик Лэнгмюр тенгламасига бўй сунади, $a_{\infty}=195.4$ и $b=5.9$, $K_3=175$.



8-расм. «Пьюролайт S-950» смоласидаги хлорид кислотали эритмалардан скандий сорбциясининг изотермаси

11-жадвал


«Пьюролайт S-950» да скандийни сорбция қилишнинг мувозаант эритмадаги металл концентрациясига боғлиқлиги. $C_{бoш} = 0 - 2$ мг/мл, $pH = 2$, $m_{кат} = 0,1$ г

$D_{бoш}, Cp$	$C_{бoш}, мг/мл$	$D_{муv}, \text{ўрт}$	$C_{муv}, мг/мл$	$a, мг/г$
0,085	0,40	0,018	0,080	64±3
0,12	0,56	0,025	0,12	89±2
0,22	1,05	0,075	0,34	142±3
0,32	1,47	0,14	0,64	168±4
0,44	2,02	0,25	1,1	183±5
0,49	2,27	0,29	1,32	191±3
0,54	2,64	0,36	1,68	192±3

Диссертациянинг «Технологик жараёнларни оптимал ўтказишни ишлаб чиқиш ва тавсия этиш» деб номланган тўққизинчи бобида жараёнларни оптимал равишда ўтказиш бўйича таклифлар ва ККЧ утилизацияси технологиясини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган. Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭС қаттиқ чиқиндиларининг дифференцияланган пробаларининг кимёвий ва минерологик таркибини ўрнатиш бўйича тадқиқотлар натижалари ҳамда макро- ва микрокомпонентларни ажратиш мумкинлигини ўрганиш, шунингдек мавжуд адабиётлардаги ККЧни қайта ишлаш технологияси бўйича маълумотлар таҳлили ККЧни қуйидаги блок-схема (9-расм) бўйича босқичма-босқич қайта ишлаш зарурлигини кўрсатди. Флотация ёрдамида «ёнмаган кўмир»ни йўқотиш маҳаллий хомашёдан тайёрланган «Фан ва тарақийёт» ДУКда ишлаб чиқилган (муаллиф Хурсанов А.Х.) флотореагент таркибни қўллаш билан амалга оширилди.

Ёнмаган кўмир зарраларининг юқори даражадаги ғоваклик ва ёнмаган кўмир зарралари адсорбциявий-фаол уст қисми юзаси қисқариши анъанавий флотореагентларнинг катта сарфини талаб қилади. «Ёнмаган кўмир» флотацияси жараёнининг самарадорлигини ва камхаржлигини ошириш учун ишлаб чиқилган комозицион кимёвий флотореагент-кўпирғич – таркиби қўлланган тажрибалар ўтказилган (12-жадвал). Ўтказилган лаборатор

тадқиқотлар натижасида ККЧ «ёнмаган кўмир»ни алоҳида фракцияга самарали ажратишга имкон берувчи реагент тартиби аниқланган.



